

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДБОБОВА ГУЛЗОРА НЕМАТЖОНОВА

**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ТАРИХИ
(XIX АСР ОХИРИ–XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

07.00.02 – Фан ва технологиялар тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Саидбобоева Гулзора Нематжонова

Туркистон ўлкасини электрлаштириш тарихи (XIX аср охири–
XX асрнинг биринчи чораги) 5

Саидбобоева Гулзора Нематжонова

История электрификации Туркестанского края (конец XIX–
первая четверть XX вв.)..... 26

Saidboboeva Gulzora Nematjonovna

History of electrification of Turkestan region (the end of XIX–first
quarter of XX century)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДБОБОЕВА ГУЛЗОРА НЕМАТЖОНОВНА

**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ТАРИХИ
(XIX АСР ОХИРИ–XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.02 – Фан ва технологиялар тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tag194 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидега бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Нуриддин Умурзакович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Хасанов Жасур Маматқодирович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tag.01.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: auka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

А.А. Маврулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж. Ураков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Х.Э. Юнусова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси в.в.б., т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XIX асрнинг охири–XX асрда жаҳон фан-техника соҳасида эришилган ютуқлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва урбанизациянинг тезлашишига катта таъсир кўрсатди. Электр энергетика тизими, саноат ва ижтимоий соҳалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг техник салоҳиятини оширишга зарур шарт-шароит яратилди. Бугунги кунда жамият ҳаётининг бирор соҳасини электр энергиясиз тасаввур этиш мумкин эмас. XXI асрда энергия ишлаб чиқариш мақсадида минерал захираларга талабнинг мунтазам ошиб бориши геосиёсий рақобатларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида электр энергиясига бўлган талабнинг мунтазам ошиб бориши ишлаб чиқаришга янги технологияларни кенг жорий этишни тақозо қилмоқда. Дунёнинг кўпгина олий ўқув юртли ва илмий марказларида фан-техника соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларда электр энергияси ишлаб чиқариш, унинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйишга эътибор кучаймоқда.

Мавзунинг долзарблиги XIX аср охири–XX аср биринчи чорагида Туркистондаги саноат ва бошқа соҳаларда электр энергия ишлаб чиқаришнинг етарли даражада ўрганилмагани билан изоҳланади. Жаҳон иқтисодий муносабатлари янги ривожланиш йўналишларини танлаб, шу асосда туб ўзгаришларни бошлаган бир даврда мустамлака Туркистондаги зиддиятли вазият техник янгиланишларни ўз вақтида ўзлаштиришга, уларни ўлка саноатига жорий этишнинг кенг миқёсдаги чора-тадбирларини амалга оширишга имкон бермас эди. Буни мустамлака маъмуриятининг эскича бошқариш тартиблари асосида ўлкани ўз хомашё захираларига айлантириш, бунда аграр масалага бирламчи эътибор қаратиб, саноат тармоқларини ривожлантиришга аҳамият бермаганлигида кузатиш мумкин. Туркистон ўлкасини электрлаштириш жараёни ҳам худди шундай мураккаб тарихий воқеликни бошдан кечириб, дастлаб мустамлака, кейинчалик советлар бошқаруви даврида ҳам чекка ўлка сифатида марказий ҳудудлардаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларидан анча ортда қолди. Бу каби номутаносиблик ва соҳанинг бошқа муҳим масалалари муаммога янгича ёндашиш, уларни туб илдизларини англаб етиш ҳамда тарихий жиҳатдан илмий баҳолашни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ¹, шунингдек, илғор хорижий тажриба, замонавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”// <http://strategy.regulation.gov.uz>

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида электр энергетика тармоғида давлат бошқарувининг ташкилий-хукукий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори² ҳамда соҳага оид бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар³ белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертациянинг биринчи боби мавзунинг манбавий асослари ва тарихшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, 1-параграфида тадқиқотга оид даврий матбуот материаллари, архив ҳужжатлари, манбалар, статистик шарҳлар, йилномалар, 2-параграфида эса муаммонинг ўрганилиш даражаси илмий адабиётлар доирасида атрофлича таҳлил этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Манбашунослик ва архившунослик кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср охири–XX аср биринчи чорагида Туркистон ўлкасини электрлаштириш тадбирлари моҳияти ва мазмунини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммога доир мавжуд манбалар, архив ҳужжатлари ва нашр этилган адабиётларни тизимли таҳлил этиш;

1880–1908 йилларда Туркистонда электр станциялар бўйича дастлабки таклиф ва лойиҳаларнинг ишлаб чиқиш босқичлари ва уларнинг қурилиш тарихини очиб бериш;

1909–1917 йилларда Туркистон ўлкасида электр станциялар қурилиши ва уларнинг фаолиятини ўрганиш;

Тошкентда трамвай линияларининг электрлаштирилиши юзасидан амалга оширилган тадбирларни тадқиқ этиш;

² Қаранг: “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 24 октябр.

³ Указ Президента Республики Узбекистан «Об углублении экономических реформ в энергетике Республики Узбекистан» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – Ташкент, 2001. – №1-2. – ст. 47; 2012. – №40. – ст. 466; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2013 йил 2 март; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 20 май; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. – № 22. – 418 модда.

советлар ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Туркистон ўлкасида электр станциялар бунёд этиш зарурияти ҳамда ГОЭЛРО режаси, унинг ўлкани электрлаштириш жараёнига таъсирини архив ҳужжатлари, илмий адабиётлар доирасида ўрганиш;

ўлкада электрлаштириш соҳасида техник кадрлар тайёрлаш ва бу борадаги муаммоларни аниқлаш;

тадқиқот натижасида илмий хулоса тақдим этиш ҳамда унинг асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср охири–XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасини электрлаштириш тарихи белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети XIX аср охири–XX аср биринчи чорагида Туркистон ўлкасида электрлаштириш жараёнида эришилган натижалар ва муаммоларни ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охирида Туркистон ўлкасида электрлаштириш соҳасида ишлар империянинг марказий қисмларига нисбатан жуда секин олиб борилганлиги ҳамда бу борадаги дастлабки лойиҳаларга етарлича эътибор қаратилмаганлиги боис, улар амалга ошмасдан, ўлка халқларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида электр энергиянинг қўлланиш даражаси паст суръатларда қолганлиги аниқланган;

империя маъмурларининг ўлкадаги бюрократик идора вакиллари электрлаштириш бўйича тақдим этилган лойиҳаларни ўз вақтида ҳал этмаганлиги, узоқ олиб борилган музокараларнинг самарасиз яқунлари, энергия таннархи юзасидан келишмовчиликлар охир-оқибат сармоядорларнинг ўз лойиҳаларидан воз кечишига олиб келганлиги асосланган;

совет ҳукуматининг электрлаштириш тадбирлари ўлканинг демографик, саноат ишлаб чиқариш ҳолати ва ишчи кучларини ҳисобга олмасдан бирёқлама ёндашуви сабабли ҳудуднинг гидроэнергетика захиралари оқилона ўзлаштирилмаганлиги, давр талабига мос электр билан ишловчи ускуналардан етарли даражада фойдаланишига тўсиқ бўлиб қолганлиги исботланган;

Туркистон ўлкасида советларнинг ГОЭЛРО режасини (1920) амалга оширишда ўлканинг суғориш тизимларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)да ҳам кўзда тутилган саноат, йирик ишлаб чиқариш иншоотларини бунёд этиш ва электрлаштириш минтақада иккинчи даражали вазифага айланиб, фақатгина миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан кейин – 20-йилларнинг сўнгидан бошланганлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда мустамлака ва совет давлат идораларининг электрлаштириш бўйича олиб борган ишлари, қабул қилган расмий ҳужжатлари архив жамғармалари, статистик материаллар, даврий матбуот ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинди;

ўлкада электр станцияларининг қурилиши бўйича дастлабки таклиф ва лойиҳалар, уларнинг мазмуни ва амалга ошириш шарт-шароитлари илк бор умумлашган ҳолда очиб берилди;

большевиклар бошқарувининг дастлабки йилларида электрлаштиришда шошма-шошарлик билан амалга оширилган ислоҳотлар, ўлка саноатидаги турғунлик, ишлаб чиқариш тармоқларининг сустлиги унинг империя давридаги энергия таъминоти кўрсаткичларидан ҳам паст даражага тушиб қолишига сабаб бўлганлиги исботланди;

советларнинг ўлкани электрлаштириш тadbирларида малакали техник мутахассисларнинг етишмаслиги, бу борадаги ишларнинг тизимли ташкил этилмаганлиги натижасида келиб чиққан муаммолар аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация кўплаб турдаги бирламчи манбалар, архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётларга асосланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ватан тарихшунослигида илк бор Туркистон ўлкасида электрлаштириш тарихи XIX аср охири–XX аср биринчи чорагидаги даврий чегарада атрофлича тадқиқ этилди.

Туркистон ўлкасида мустамлака ва совет маъмурияти амалга оширган электрлаштириш соҳасидаги маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихининг мустамлака ва совет даври тарихи бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишда, олий ўқув юртлари, академик лицейлар талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туркистон ўлкасини XIX аср охири–XX асрнинг биринчи чорагида электрлаштириш тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Туркистон ўлкасида электрлаштириш тарихига оид ҳужжатлар жамланган Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) ҳамда Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви (ЎзКФФХ МА) фаолияти ва фондлари таҳлили муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган ҳамда чоп этилган “Архившунослик” дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 28.06.2017 йилдаги 434-147 рақамли гувоҳнома). Мазкур дарслик республика олий ўқув юртларининг 5120300–Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг архившунослик, хусусан юқоридаги марказий архивлар ҳақидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади;

Ўлканинг мустамлака ва кейинроқ совет тузуми дастлабки бошқарув йилларидаги ижтимоий-иқтисодий тарихининг ажралмас бўлаги саналган электрлаштириш соҳасидаги тадбирлар ва унинг натижалари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканалининг “Суҳбатдош” эшиттиришида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали, 05.03.2019 йилдаги 14-02-71-сон маълумотнома). Эшиттиришда диссертациянинг асосий назарий, мулоҳаза ва хулосаларидан фойдаланилиши тингловчиларда ўлкамизни электрлаштириш тарихи бўйича маълум билим ва кўникмаларга эга бўлишларига хизмат қилади;

Туркистон ҳудудида дастлабки гидроэлектр станциялари XX асрнинг бошларида бунёд этилганлиги, уларнинг қурилиши босқичлари, мақсад, вазифалари, моҳияти, маҳаллий саноат ҳамда аҳоли турмуш-тарзининг ўзгаришидаги аҳамияти илк маротаба очиб берилганлиги, ўлка бошқарув маъмуриятининг гидроэлектр станциялари қуриш борасидаги сиёсати, бу борада кадрлар тайёрлаш масалалари ва унинг аҳволи архив ҳужжатлари ҳамда тарихий адабиётлар доирасида кенг таҳлил қилинган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти, 02.07.2019 йилдаги 01-10/1592-сон маълумотнома). Бундаги натижалар ўлкада электрлаштиришнинг мураккаб ва зиддиятли тарихини атрофлича ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан халқаро миқёсдаги 5 та ва республикадаги 5 та илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та дарслик (муаллифлар жамоаси), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Туркистонда электрлаштириш тарихининг манбавий ҳамда тарихшунослик масалалари диссертациянинг “Туркистон ўлкасини

электрлаштириш тарихининг манбавий асослари ва тарихшунослиги” деб номланган биринчи бобида тадқиқ этилиб, *манбалар* даврий жиҳатидан қуйидаги туркумларга бўлинган: 1. Даврий матбуот материаллари; 2. Архив ҳужжатлари ва ёзма манбалар; 3. Статистик шарҳлар, йилномалар.

Тадқиқот ишида *даврий матбуот материаллари*дан асосан, Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий нашри – “Туркестанские ведомости” газетаси ва унинг иловаси “Туркистон вилоятининг газети”⁴, шунингдек, бошқа газета, журналлардаги хабар ва мақолалардан фойдаланилди⁵.

ЎЗМА фондларидаги *архив ҳужжатлари* даврий жиҳатидан икки гуруҳга ажратиб тадқиқ этилди: 1. XIX асрнинг сўнгги чораги–XX асрнинг бошларига оид ҳужжатлар Туркистонда дастлаб электр энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, ЎЗМанинг Туркистон генерал-губернатори девонхонаси (И-1), Бухородаги Россия Сийосий агенти (И-3), Туркистон ўлкасидаги Ер ишлари ва давлат мулки Бошқармаси (И-7), Сирдарё вилояти бошқаруви (И-17), Тошкент шаҳар бошқармаси (И-37), князь Николай Константинович Романов ишлари бўйича бошқарма (И-40), Туркистон почта-телеграф округи (И-43), Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги Тошкент шаҳар телефон тармоғи мудирлари (И-44), Фарғона вилояти ҳарбий губернатори девонхонаси (И-276), Тошкент шаҳар Думаси (И-718) фондларида сақланмоқда.

2. Совет даврига оид архив ҳужжатлари кўпроқ директив хусусиятга эга, совет ҳокимиятининг ўлкадаги ижроия органларининг электрлаштириш борасида олиб борган ишлари акс этган бўлиб, улар архивнинг Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (МИК) (Р-17), Туркистон Иқтисодий райони (Р-18), Туркистон Давлат Режа қўмитаси (Р-20), ТАССР Халқ Комиссарлари Кенгаши (Р-25), ТАССР Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши (Р-27), ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги (Р-34), Туркистон Халқ университети техника факультети (Р-368), Туркистон Халқ университети қошидаги муҳандислик-мелиорация факультети (Р-651) фондларида жамланган.

Шунингдек, тадқиқот ишида ЎзКФФХ МАда сақланаётган тарихий суратлардан ҳам фойдаланилди⁶.

⁴ “Туркестанские ведомости” газетасининг 1899 йил 13(25) июнь, 20 июнь, 10(22); 1910 йил 19 август; 1911 йил 30 декабрь; 1912 йил 28 апрель, 14 октябрь; 1913 йил 24 март, 29 октябрь; 1914 йил 26 июнь, 20 июль, 19 декабрь; 1917 йил 22 октябрь, 29 октябрь сонлари; Электрик трамвай биносининг пойдевори қурилиши бошланди // “Туркистон вилоятининг газети”. 1910 йил 22 август. №62; Бешёғочга трамвай юрғатиш учун кўчани кенгайтириш борасида // “Туркистон вилоятининг газети”. 1913 йил 3 февраль, №10; Мирмуҳсин. Трамвай ҳақида // “Туркистон вилоятининг газети”. 1914 йил 29 май, №42; Электро-техника муваффақияти // “Туркистон вилоятининг газети”. 1916 йил 7 февраль. №11.

⁵ Тошкандан мактуб // “Таржумон”. 1884 йил 30 март. №12; Ўрта Осиё // “Таржумон”. 1905 йил 5 апрель. №26; Туркистонда телефон // “Таржумон”. 1913 йил 20 сентябрь. №207; Туркестанский курьер” газетаси. 1912 йил 12 июль, 1914 йил 26 июнь сонлари; “На рубеже” газетаси. 1914 йил 1 сентябрь; О комиссии по электрификации Туркестанской республики // “Известия”. 1 декабря 1921 г. №271; К строительству Аламединской гидроэлектростанции // “Известия”. 23 декабря 1921 г. №290; Эрмат. Электроник станцияси тўғрисида // “Туркистон”. 1923 йил 5 декабрь; Бўзсув электр станцияси тўғрисида (Эски ва янги шаҳар ижрокўмларининг кўшма мажлиси) // “Қизил Ўзбекистон”. 1924 йил 31 декабрь; Развитие электростроительства в Туркестане // “Туркестанская правда”. 24 июля 1924 г. №160 (473); Киуайн. Электрофикация Туркестанского края // «Военная мысль». – Ташкент, 1921. Август–декабрь. – С. 202-212; О достройке Чуйской электростанции // “Электрификация”. – М., 1924. – № 9-10. – С. 38.

⁶ *Қаранг:* ЎзКФФХ МА, 0-93844, 2-11873, 0-97656 015856, 0-93973-рақамли суратлар.

Ёзма манбалар. Таниқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг “Жомий-ул-хутут” (“Хатлар мажмуи”) асари (1912 йил), жаҳид намояндалари вакили Мунаввар қори Абдурашидхонов мақоласида (1923 йил) ҳам электрлаштириш ҳақида сўз борган⁷.

Статистик шарҳлар, йилномалар. Ўрганилаётган мавзу юзасидан туркум статистик нашрлар, йилномаларда ўлканинг электрлаштириш жараёни атрофлича таҳлил этилган⁸.

Шунингдек, ишда халқ хўжалиги электр баланси ва электр станциялари қуввати, энергия ишлаб чиқаришга доир расмий маълумотларни ўзида жамлаган Ўрта Осиё ва Ўзбекистон халқ хўжалигига оид бошқа статистик тўпламлардаги материаллардан ҳам фойдаланилган⁹.

Муаммонинг *тарихиунослигини* шартли равишда уч қисмга бўлиш мақсадга мувофиқ деб топилди: 1. Россия империяси мустамлакаси даврида ёзилган асарлар; 2. Совет даврида ёзилган асарлар; 3. Мустақиллик йилларида чоп этилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳдаги асарларга ХХ асрнинг бошларида турли тадқиқотчилар томонидан ўлкада электрлаштириш аҳволи ҳақида ёзган асарларни келтириш мумкин¹⁰.

Совет даврида ёзилган асарлар. 1921–1990 йилларда СССРда электрлаштириш масалалари ва совет давлатининг энергетика сиёсатига бағишланган 5 мингдан зиёд монография, рисола ва мақолалар нашр этилган

⁷ Исҳоқхон Ибрат. Жомий-ул-хутут. Тошбосма. Наманган. 1912 // Ўзбекистон Миллий университети. Нодир қўлёзмалар фонди. В 019 / 721 рақам. – 136 б; Мунаввар қори Абдурашидхонов. “Нашри маориф” уюшмасининг аҳамияти. Танланган асарлар. – Тошкент: “Маънавият”, 2003. – Б. 119-120.

⁸ Русская электротехническая промышленность к началу 1921 г. – М.: Гос. техническое изд-во, 1921. – 28 с.; Отчет 1-го съезда экономических совещаний Туркесреспублики / Составлен по стенографическим отчетам А.Н. Апухтиным, под ред. члена организационной комиссии съезда Д.П. Красновского. – Ташкент: Издание ТЭС, 1922. – 106 с.; Экономическое районирование России. Доклад Госплана III Сессии ВЦИК. – М.: Издание ВЦИК, 1922. – 83 с.; Материалы Народного Комиссариата социального обеспечения. Ч. 1. – Ташкент, 1922. – 109 с.; Промышленная Россия 1923–1924 г. Справочная книга. Издание газеты «Экономическая жизнь». – Л., 1924. – 645 с.; Промышленность СССР в 1924 году. Ежегодник ВСНХ. Отчет III съезду Советов СССР. – М.: Центральное Управление Печати, 1925. – 686 с.; К истории плана электрификации Советской страны. Сборник документов и материалов 1918–1920 гг. / Под ред. И.А. Гладкова. – М.: Политиздат, 1952. – 590 с.; Фомина Л.В. Осуществление плана ГОЭРЛО и электрификация промышленности в восстановительный период (1921–1925 гг.) // Очерки по истории народного хозяйства СССР. Статистический сборник. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1959. – С. 59-120; Труды Государственной комиссии по электрификации России (ГОЭЛРО). Документы и материалы. – М.: Соцэкгиз, 1960. – 308 с.; Экономическая жизнь СССР. Хроника и фактов 1917–1965. Книга первая 1917–1950. – М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1967. – 439 с.

⁹ Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. – Ташкент: ЦСУ, 1930. – С. 1-23; Народное хозяйство Средней Азии в 1963 году. Стат. сборник. – Ташкент: «Узбекистан», 1964. – 372 с.; Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Т.: «Узбекистан», 1964. – 380 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет (1924–1974 гг.). Юбилейный статист. ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – 330 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. Статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1976. – 455 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. Юбилейный статист. ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1977. – 341 с.

¹⁰ Гейер И.И. Путеводитель по Туркестанскому краю. – Ташкент, 1909. – 380 с.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – 520 с.; Россия. Полное географическое описание нашего отечества / Под ред. В.П. Семенова-Тянь-Шаньского. – СПб.: Издание А.Ф. Девриена, 1913. Т. 19. Туркестанский край. – 861 с.; Об устройстве водоснабжения и гидроэлектростанций в городе Ташкенте. – М., 1914. – 133 с.; Об устройстве водоснабжения и гидроэлектростанции в г. Ташкенте // Материалы комиссии Городской Думы. – М., 1914; Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Вып. 1. – Петроград, 1915. – 74 с.

бўлиб, улардан 70 та монография тарихий-партия ва 190 таси умумтарихий мазмунда ёзилган; 100 дан зиёд номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган¹¹. Чоп қилинган адабиётларда келтирилган хулосаларга давр мафкураси сингдирилган бўлса-да, тарихшунослик жиҳатдан таҳлил этишга мухтожлиги яққол кўзга ташланади.

Ўтган асрнинг 20–50-йилларида чоп этилган қатор асарларда Туркистонни электрлаштириш тарихига доир маълумотлар келтирилган, ўлканинг мустамлака ва совет давридаги иқтисоди, саноати, электрлаштириш жараёни, электр станциялари ҳақида маълумот берилган¹².

XX асрнинг 60–80-йилларида чоп этилган кўплаб асарларда ўлкадаги электрлаштириш жараёни совет мафкураси, “социалистик саноатлаштириш” нуқтаи назаридан кўриб чиқилган¹³.

¹¹ Шамрай Н.Г. Проблемы электрификации страны и их исследование в историко-партийной литературе: 1917–1985 гг.: Автореф. дис... д-ра ист. наук. – М., 1990. – С. 9.

¹² Ризенкамф Г.К. Проблемы орошения Туркестана. Вып. 1. – М., 1921. – 147 с.; Кржижановский Г.М. Об электрификации (Речь на 8-м съезде Советов). – М.: Государственной изд-во, 1921. – 40 с.; Черданцев Г.Н. Истории первых лет Туркестанского университета (1918–1922) // «Наука и просвещение». – Москва, 1922. – №2. – С. 94-95; Воеводин П.И. Электричество – важнейший рычаг в строительстве социалистического хозяйства. (К 10-летию плана ГОЭЛРО). – М., 1931 – 53 с.; Наука в Узбекистане за 15 лет (1924–1939). – Ташкент, 1939. – 120 с.; Хаиров А.Д. Ташкентская городская Дума в период трёх революций в Туркестане. – Ташкент, 1948; Десятчиков Б.А. Узбекистонни электрлаштириш. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 83 б.; Его же. Электрификация Узбекистана за 25 лет. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1949. – 79 с.; Зиядуллаев С., Манохин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1949. – 152 с.; Винтер А.В. От первенцев советского гидроэлектростроительства к великим стройкам коммунизма. – М., 1951. – 87 с.; Александров Б.А. Сталинский план преобразования природы в действии. – М., 1952. – 200 с.; Надточеев Д.И. Ленинская политика первоочередная всемерного развития тяжелой индустрии и борьба партии за ее осуществлении. – М.: «Знание», 1955. – 48 с.; План электрификации РСФСР (Доклад VIII съезду Советов Государственной комиссии по электрификации России). Второе издание. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1955. – 559 с.; Ташкент. Краткий справочник-путеводитель / Под общ. ред. Р.Г. Гуламова. – Ташкент: Гос. изд-во УзССР, 1957. – 184 с.; Вахабов М.Г. Ташкент в период трех революций. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – 284 с.; Иноятов Х.Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1958. – 319 с.

¹³ Свет над Россией: очерки по истории электрификации СССР / Под редакцией И.П. Верховцева. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1960. – 398 с.; Рашидов Г. Ташкентский Совет в борьбе упрочения Советской власти (ноябрь 1917–1918 гг.). – Ташкент: Гос. изд-во УзССР, 1960. – 183 с.; Мусаев М. Узбекистон ССР (Қисқача тарихий-иқтисодий очерк). – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – б.; Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи). – Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1960. – 268 б.; Ташбеков Э. Население Ташкента в годы народных переписей // Известия Узбекстанского филиала Географического Общества СССР. Т. V. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1961. – С. 85-90; Сделаем Россию электрической. Сборник воспоминаний участников Комиссии ГОЭРЛО и строителей первых электростанций. – М – Л.: Гос. Энергетическое изд-во, 1961. – 382 с.; Жамолов О.Б. Узбекистон экономикаси юксалишда. – Тошкент: Ўзфанакадншр, 1962. – 32 б.; Абдушукуров Р.Х. Октябрьская революция, рассвет узбекской социалистической нации и сближении ее с нациями СССР. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. – 728 с.; Зиёдуллаев С.К. Шарқда индустрия машғали. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1964. – 122 б.; Его же. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. – Ташкент: «Фан», 1967. – 331 с.; Полякова Л. Извращение буржуазной историографией братской помощи народов нашей страны трудящимся Средней Азии в подготовке национальных промышленных кадров // Из истории Советского Узбекистана. Сборник статей. – Ташкент: «Наука», 1965. – С. 108-117; Суворов В.А. Историко-экономическое очерк развития Туркестана (по материалам железнодорожного строительства в 1880–1917 гг.). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. – 172 с.; Закиров Ш.Н. Вопросы развития и размещения промышленности Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 1965. – 143 с.; Экономическая история Советского Узбекистана (1917–1965 гг.). – Ташкент: «Фан», 1966. – 371 с.; Аминов А.М., Бабаходжаев А.Х. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Ташкент: «Узбекистан», 1966. – 210 с. Экономические закономерности и преимущества некапиталистического пути развития. По материалам Узбекистана / Отв. ред. проф. О.Б. Джамалов. – Ташкент: «Фан», 1967. – 352 с.; Убайдуллаев С. Революционное движение народов Средней Азии в период

Шунингдек, электрлаштириш масаласи кўриб чиқилган қатор диссертацион тадқиқотлардан ҳам фойдаланилди¹⁴.

Мустақиллик йилларида чоп этилган тадқиқотлар ўзаро таққослаш, муаммога холисона ва ҳаққонийлик тамойилидан келиб чиққан ёндашувнинг устунлиги билан ажралиб туради. Уларда мустамлакачилик йиллари ва советлар даврида Туркистонда ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши, электрлаштириш, техник кадрлар тайёрлашга доир кўплаб маълумотлар келтирилган¹⁵.

Мавзу доирасида, шунингдек, Туркистоннинг иқтисодий ва саноат аҳволи ҳақида маълумот берувчи бошқа қатор диссертациялардан фойдаланилди¹⁶.

реакции 1907 – 1910 гг. – Ташкент: «Фан», 1967. – 200 с.; Электрификация СССР. 1917–1967 / Под общей ред. П.С. Непорожного. – М.: Энергия, 1967. – 543 с.; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент: «Фан», 1967. – 771 с.; Исторический опыт строительства социализма в республиках Средней Азии. – М.: Мысль, 1968. – 343 с.; Пулатова М. Промышленность ТАСССР в годы перехода к НЭПу // «Общественные науки в Узбекистане». – Ташкент, 1968. – №4. – С. 20-25; Желтова Г.И. Начало культурной революции в Туркестане // Из истории социалистического строительства в Узбекистане. – Ташкент: «Фан», 1969. – С. 3-27; Азамкулов Х. Ликвидация технико-экономической отсталости народов Советского Востока. – Душанбе: Ирфон, 1969. – 179 с.; Ленинский план социалистической индустриализации и его осуществление / Ред. коллегия: П.Н. Поспелов (руководитель) и др. – М.: Политиздат, 1969. – 382 с.; Осуществление Ленинских идей индустриализации в Узбекистане. – Ташкент: «Узбекистан», 1970. – 409 с.; Лосева Т.Н. Некоторые вопросы формирования в Узбекистане инженерно-технических кадров // Научные труды ТашГУ. – Ташкент, 1970. Вып. 335. – С. 109-116.; Стеклов Ю.В. В.И. Ленин и электрификация. – М.: «Наука», 1970. – 344 с.; Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915–1917 гг. и ее проявление в Туркестане. – Ташкент: «Фан», 1971. – 268 с.; Алламурадов Д. Исторический опыт Советов Узбекистана в борьбе за победу социализма. – Ташкент: «Узбекистан», 1974. – 181 с.; Матниязов М. Развитие электрификации в Узбекистане за 50 лет. – Ташкент: «Фан», 1974. – 144 с.; Его же. Электрификация и её социальные последствия (На материалах республик Средней Азии). – Ташкент: «Узбекистан», 1984. – 167 с.; Бабаханова С.И. Промышленный Самарканд (Экономический очерк города. 1918–1970 гг.). – Ташкент: «Узбекистан», 1975. – 191 с.; Величие советского строя и бессилие его фальсификаторов (Критика извращений прошлого и настоящего Узбекистана). – Ташкент: «Фан», 1975. – 384 с.; Зиядуллаев С.К. Узбекистан и его производительные силы. – Ташкент: «Фан», 1978. – 56 с.; Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865–1917). – М.: «Наука», 1980. – 120 с.; Его же. Индустрия Советского Узбекистана. – Ташкент: «Узбекистан», 1984. – 230 с.; Его же. Региональные проблемы экономики Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 1986. – 64 с.; Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX–начало XX веков). – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1988. – 208 с.

¹⁴ Матниязов М. Деятельность Компартии Узбекистана по электрификации республики в годы Великой Отечественной войны (1941–1945): Дис... канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1965. – 363 с.; Его же. Осуществление ленинской программы электрификации в республиках Средней Азии и её социальные последствия: Дис... докт. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1989. – 377 с.; Шамрай Н.Г. Проблемы электрификации страны и их исследование в историко-партийной литературе: 1917–1985 гг.: Автореф. дис... д-ра ист. наук. – Москва, 1990. – 50 с.

¹⁵ Мусаев Н.У. Туркистонда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши (XIX аснинг охири ва XX аснинг бошлари). – Тошкент, 1995. – 106 б.; Ўша муаллиф. XIX аснинг II ярми–XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: «IQTISODIYOT-MOLIYA», 2008. – 165 б.; Туркистон чор Россияи мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Шарк, 2000. – 464 б.; Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. – Т.: Шарк, 2000. – 688 б.; Холбоев С. Миллий университетнинг тарихий илдиэлари ва ташкил топиши. – Тошкент: Шарк, 2003. – 128 б.; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент, 2006. – 256 б.; Ирзаев Б. Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 208 б.; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Ўзбекистон 1917–1939 йилларда. 1-китоб / масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 570 б.

¹⁶ Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX–начало XX вв.): Автореф. дис... д-ра ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 1994. – 68 с.; Турсунов Р.Н. Воззрения национальных прогрессистов на социально-экономических процессы в Туркестане в начале XX века: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 2008. – 28 с.; Шадманова С.Б. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах периодической

Сўнги йилларда Россияда чоп этилган қатор ишларда ҳам империя, қолаверса, Туркистон ўлкасида электрлаштириш тарихига доир қимматли материаллар берилган¹⁷.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўлкада электр станциялар қурилишига доир таклиф ва лойиҳалар, уларнинг амалга оширилиши” деб номланган. 1883 йилнинг май ойида Туркистон ўлка генерал-губернатори М. Черняев Петербургдаги “VI бўлим Динамо электр станцияси”га электр қувватини шахсий эҳтиёжлар, ёритиш ва узатиш учун қўллаш борасида мурожаати¹⁸, 1884 йил 18 январда истеъфодаги ҳарбий-техник поручик Д.А. Ляминнинг концессиянинг 12 йиллик муддатда Тошкентни электр билан ёритиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бермай амалга ошириш ҳақидаги таклифи¹⁹, электр таъминоти билан маҳаллий аҳоли вакиллари, жумладан ҳожи Ҳалим Юнусов ҳам қизиқиши²⁰, узоқ танаффусдан сўнг шаҳар маҳкамасининг француз муҳандислари Марье ва Гильс кўчаларни электр токи билан ёритиш ҳақидаги ёзишмалари²¹ амалда ҳеч бир натижа бермаган.

1896 йил ноябрь ойида Бельгиянинг “Тошкент трамвайи” жамияти билан Тошкент шаҳрида кўнка (вагонни тор излар бўйлаб отлар тортадиган линияларини қуриш) бўйича шартнома тузиш жараёнида бошқа кўплаб

печати (1870–1917 гг.): Автореф. дис... д-ра ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 2011. – 61 с.; Тўхтабеков К.А. Чор Россиясининг Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасида ўтказган иқтисодий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти: Тарих фан. номзоди дис... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2011. – 28 б.; Ҳайдаров М.М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 йиллар): Тарих фан. доктори (DSc) дис... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – 68 б.; Маҳмудова Н.Б. XX аср бошида мустамлака Туркистонда маъмурий бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг ривожланиши (сенатор К.К. Пален ревизияси материаллари асосида): Тарих фан. фалсафа доктори (PhD) дис... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – 48 б.

¹⁷ Козлов Б.И. Вклад Академии наук в индустриализации России // Вестник Российской Академии наук. – М., 2000, – Т. 40, №12. – С. 1058-1068; Гвоздецкий В.Л. План ГОЭЛРО. Мифы и реальность // «Наука и жизнь». – 2005. – №5; Его же: План ГОЭЛРО – стратегическая программа социально-экономического и научно-технического развития Советского государства. <https://www.portal-slovo.ru>; Бурдин Е.А. Гидроэнергетика в плане ГОЭЛРО (1920–1935 гг) // Вестник УлГТУ. – Ульяновск, 2010. – №1. – С. 17-20; Мезенцев С.Д. Проблемы территориального планирования и градостроительства: социально-философский аспект // Вестник МГСУ. – Москва, 2014, – №6. – С. 17-26; Гвоздецкий В.Л. К 95-летию плана ГОЭЛРО: исторические реалии и сложившиеся трактовки // Институт истории естествознания и техники им. С.И. Вавилова. Годичная научная конференция (2016). – М.: ИИЕТ РАН, 2016. – С. 33-40; Симонов Н.С. Развитие электроэнергетики Российской империи: предыстория ГОЭЛРО. – М.: Русский фонд содействия образованию и науке, 2016. – 320 с.; Его же. Начало электроэнергетики Российской Империи и СССР, как проблема техноценоза. – М.: Инфра-Инженерия, 2017. – 640 с.; Никифорова Н.В. Лампочка и символические аспекты в пропаганде электрификации // «Общество. Среда. Развитие». – Санкт-Петербург, 2017, – №4. – С. 102-109; Щербинин Н.Д. Электрификация России в конце XIX в. как пример внедрения инновационных технологий // Институт истории естествознания и техники им. С.И. Вавилова. Годичная научная конференция (2018). – М.: ИИЕТ РАН, 2018. – С. 277-280; Соловьева Т.В. Проблема авторства Плана ГОЭЛРО // Документ. Архив. История. Современность: Материалы VII Всероссийской научно-практической конференции. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2018. – С. 512-519; Еряшева М.С. План ГОЭЛРО как успешный проект: факторы реализации // Документ. Архив. История. Современность: Материалы VII Всероссийской научно-практической конференции. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2018. – С. 395-404.

¹⁸ ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 25738-иш, 2-варак.

¹⁹ ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 25738-иш, 4-варак.

²⁰ Тошкандан мактуб // “Таржумон”. 1884 йил 30 март. №12.

²¹ “Туркестанские ведомости”. 1899 йил 20 июнь.

масалалар қатори шаҳарни электр билан ёритиш масаласи ҳам кўрилди, аммо бельгияликлар ҳам бу ишни ўзлари учун фойдали деб ҳисоблашмади²².

1899 йилнинг февраль ойида Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовский номига Тошкент шаҳрида электр ёритишни ташкиллаштириш учун изланишлар олиб боришга рухсат сўраб ригалик савдогар Герман Бланкенштейн мурожаат қилди²³. 1899 йилнинг 19 июнида Тошкент шаҳар Думаси Бланкенштейн ва немис фуқароси Мартинига шаҳарни электр ёритиш билан таъминлаш ҳуқуқини бериш ҳақида қарор қабул қилди. Станцияни сутка давомида тўхтовсиз ишлашининг имкони йўқлиги, оқибатда фойданинг кам бўлишидан Бланкенштейн ва Мартини” фирмаси шартномани имзолаш учун тўловни тўлашдан бош тортди²⁴. Шу йилнинг сентябрь ойида шаҳарни электр билан ёритишда “Сименс ва Гальске” (“Siemens und Halske”) фирмаси таклиф қилган шартлар яққол устунликка эга бўлди, аммо бу таклиф ҳам лойиҳа қуввати 390 кВт бўлган электр станцияни керакли юклама билан нафақат таъминлай олмас, балки яқин келажақда ҳам бу ишни амалга ошириш назарда тутилмаган эди. Фақат ёритиш мақсадида қўлланилиши мумкин бўлган электр энергияси фирмага фойда келтирмас, шаҳар маъмурияти эса электр станциясини ўз ҳисобидан ишлатишни хоҳламас эди²⁵.

1904 йил октябрида шаҳар Думасига Н.А. Резуненко томонидан электр станция қуриш бўйича таклиф киритилди²⁶. Ушбу тадбиркор сўраган нарх 1899 йилги “Бланкенштейн ва Мартини” таклифидан 4 маротаба қиммат бўлган²⁷. Шаҳар Думаси вазиятдан фойдаланиб қолиш илинжида газеталарда эълонлар бериш орқали рақобатчиларни жалб қилди. Биринчи бўлиб 1905 йил 22 апрелда концессия учун ўз лойиҳасини шаҳарнинг фахрий фуқароси, муҳандис А.Лурье тақдим этди²⁸. Унинг таклифи шаҳар учун маъқул эканлигини билган Н.А. Резуненко ўз лойиҳасини қайтариб олишга мажбур бўлди.

1905 йилнинг апрель ойида Бельгиянинг “Трамвай жамияти” шаҳар маъмуриятига ўз лойиҳасини тақдим этди. А. Лурье бу лойиҳа билан рақобатлаша олмаслигини билиб, ўз таклифини қайтариб олди. Гарчанд 1908 йил февralида трамвайларни ҳаракатлантирувчи электр станциясини қуриш ҳақида шартнома имзоланса-да, ёритиш мақсадлари учун электр станцияси қуриш масаласи ҳал қилинмади²⁹. Бунинг оқибатида, 1909 йилга келиб Тошкентнинг Шайхонтоҳур кўчаси бўйлаб 24 та, Чигатой ва Кўкча кўчаларида эса 33 та керосин-калиль чироқлари ўрнатилган³⁰. 1909 йилнинг 1

²² ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат, 62-иш, 59-варак.

²³ ЎзМА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 532-иш, 2-варак.

²⁴ “Туркестанские ведомости”. 1899 йил 18(30) июль.

²⁵ ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 1-2-варақлар.

²⁶ Ўша жойда.

²⁷ ЎзМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 644-иш, 2-3-варақлар.

²⁸ ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат, 147-иш, 231-варак.

²⁹ ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат, 62-а-иш, 1-4-варақлар.

³⁰ Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX–начало XX веков). – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1988. – С. 21.

январиди шаҳардаги керосин-калиль чироқлари 321 та бўлган бўлса, 1911 йилда 500 та керосин-калиль ва 858 та оддий чироқ бўлиб, ёритиш учун 40 минг рубль сарфланган³¹. Ҳар куни уларни ёқиш ва ўчириш ишларини махсус одамлар – чироқчилар қўлда амалга оширишган.

Ваҳоланки, бу даврга келиб Россия империяси ҳудудларида йирик электр станциялари қуриш бўйича маълум даражада тажриба орттирган эди. Жумладан, 1909 йилда Мурғоб дарёси (ҳозирги Туркменистон ҳудуди)да бунёд этилган йирик Ҳиндиқуш ГЭСининг қуввати 1350 кВт ни ташкил этган. ГЭС империя мулки сифатида ёғ-мой, пахта тозалаш ва совун ишлаб чиқариш соҳаларини электр энергияси билан таъминлаган. Унинг учта гидротурбина ва генераторлари Австрия-Венгриянинг Ханс (Hans) компанияси томонидан етказиб берилган³².

Ўлкада мавжуд дарёларнинг кучли гидроэнергетик қуввати илгаридан маълум бўлсада, аммо улардан етарлича фойдаланилмади. Қолбуки, 1909 йилдаёқ И.И. Гейер тўғон қуриш орқали Бўзсув каналидаги сув сатҳини кўтариш ва 40000 десятина бўш ётган ерни суғоришга хизмат қилдириш қийин эмаслигини, Бўзсув ёрдамида Тошкент электр энергия бўйича ишончли истеъмолчига айланишини ёзган эди³³.

1913 йилга келибгина Туркистонда рўйхатга олинган 198 та электр станциядан 18 таси электр энергия сотиш билан шуғулланган. Қолган 180 та электр станциянинг 165 таси электр энергия узатиш, фабрика ва заводлар таркибида, 15 таси эса театрлар, кинематография, жамоат ҳаммомлари ва шахсий хонадонларда бўлган³⁴. Туркистондаги жами электр станцияларининг умумий қуввати 5 минг кВт бўлиб, йилига 5,8 млн кВт соат электр энергияси, хусусан, Ўзбекистонда – 3,3 млн кВт соат, Туркменистонда – 2,5 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилган, Қирғизистон ва Тожикистонда эса электр энергияси умуман ишлаб чиқарилмаган (1913 йил)³⁵. Унинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 0,2 % дан ҳам камни ташкил этган³⁶. Қишлоқ хўжалигида эса электр энергиядан фойдаланилмаган. Россиядаги электр станцияларининг умумий қуввати 1913 йилга келиб 1,1 млн кВт га, электр энергия ишлаб чиқариш эса 1,9 млрд кВт соатга етса-да, бу АҚШдан 20, Германиядан 3,5 маротаба кам эди³⁷.

³¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – С. 182.

³² Симонов Н.С. Развитие электроэнергетики Российской империи: предыстория ГОЭЛРО. – М.: Русский фонд содействия образованию и науке, 2016. – С. 136-137.

³³ Ташкент. Краткий справочник-путеводитель / Под общ. ред. Р.Г. Гуламова. – Ташкент: Гос. изд-во УзССР, 1957. – С. 57-58.

³⁴ Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Вып. 1. – Петроград, 1915. – С. 465.

³⁵ Народное хозяйство Средней Азии в 1963 году. – Ташкент, 1964. – С. 74; Развитие электроэнергетики союзных республик / Под общей ред. П.С. Непорожного. – М.: “Энергия”, 1972. – С. 361.

³⁶ Зиядуллаев С., Манохин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1949. – С. 10.

³⁷ Свет над Россией: очерки по истории электрификации СССР / Под редакцией И.П. Верховцева. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1960. – С. 16. Бошқа бир асарда эса 1913 йилда Россия империяси аҳоли жон бошига ҳисоблаганда АҚШдан 17, Германиядан эса 6 баравар кам электр энергия тўғри келиши ёзилган. *Батафсил қаранг*: Винтер А.В. От первенцев советского гидроэлектростроительства к великим стройкам коммунизма. – М., 1951. – С. 4.

1914 йилда Туркистонда жами 223 та пахта тозалаш заводи мавжуд бўлгани ҳолда, электр станцияларининг сони атиги 36 тани, ишлаб чиқариш миқдори бўйича 96177163 рубль пахта тозалаш заводларига, бор-йўғи 242435 рубль эса электр станциялари ҳиссасига тўғри келган³⁸. 1910–1917 йилларда ўлкадаги йирик электр станциялари ҳам фақат Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб, уларнинг умумий қуввати 5 минг от кучи ёки 3,7 минг кВт, Петрограддаги умумий қувватнинг атиги 1,85 % ини ташкил этган, холос.

Ўлкада трамвай линиясини қуриш 1896 йилда Тошкент шаҳар бошқармаси билан Бельгиянинг “Сосьете женераль де Бельжик” ҳиссадорлик жамияти “Тошкент трамвайи” жамиятини тузиш ҳақида шартнома имзолаши билан бошланиб³⁹, қурилиш ишлари 5 йил ўтгач, 1901 йилнинг мартада якунига етди. Дастлаб кўнкалар бир неча йўналиш бўйича йўловчи ва юкларни ташиган. 1908 йилнинг 5 сентябрида шаҳар маъмурияти билан “Тошкент трамвайи” жамияти ўртасида мавжуд иккита кўнка йўналишни электрлаштириш ва электр трамвай линиясини 30 верстга кенгайтиришни кўзда тутган янги шартнома имзоланди⁴⁰.

Даврий матбуотда мазкур жараёнлар Россия империясининг марказий қисмларида XIX асрнинг сўнггида аллақачон тугалланиб, европалик аҳоли ундан фойдаланиб келганига қарамай, Туркистондаги мустамлакачи маъмурлар бу ишга орадан ўн йиллар ўтгач “қўл урган” янгилик шаҳар аҳолиси томонидан илиқ кутиб олинган. Матбуотда унинг аҳамияти алоҳида таъкидланган⁴¹.

1912 йилги шаҳар бюджети сарф-харажатлари унинг даромадларидан ортиб кетганлиги⁴² электр трамвай қуриш борасидаги ишларнинг ҳам кенг суръатларда олиб борилишига монелик қилган. 1913 йилнинг январига келиб Вокзал–Эски шаҳар ҳамда Пушкин–Маҳрам йўналишларидаги кўнкалар электр трамвайларга алмаштирилган бўлса-да⁴³, 250 минг аҳолига эга Тошкентда электр трамвай йўналишларининг узунлиги 18,3 км дан иборат бўлган. Ваҳоланки, 140 минг кишилик Ростов-Донда 21,7 км, 155 минг кишилик Қозонда 27 км, 300 минг кишилик Ригада 43 км, 160 минг кишилик Саратовда 54,1 км, 350 минг кишилик Киевда 82,2 км, 500 минг кишилик Одессада 100 км ни ташкил этган⁴⁴.

“Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган мақолада Тошкентнинг марказий кўчаси саналган Бешёғочни электр трамвай билан туташтириш ишлари учун йўл тушиши керак бўлган ҳудуддаги уй-жой ва бошқа мулкларни кўчириш учун маҳаллий аҳоли қиммат нарх талаб қилганлигидан бу кўча охир-оқибат электр трамвайсиз қолиши, шаҳарга электр трамвай

³⁸ Электрификация Туркестанского района. Составлено Государственной Комиссией по Электрификации России. – М., 1920. – С. 16-18.

³⁹ ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат, 62 а-иш, 63-варак.

⁴⁰ ЎзМА, И-37-фонд, 2-рўйхат, 174-иш, 60-варак.

⁴¹ Электрик трамвай биносининг пойдевори қурилиши бошланди // “Туркистон вилоятининг газети”. 1910 йил 22 август.

⁴² 1912 йил учун Тошкент бюджети // “Туркистон вилоятининг газети”. 1912 йил 30 декабрь.

⁴³ “Туркестанские ведомости”. 1912 йил 14 октябрь.

⁴⁴ Қаранг: ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат, 476-иш, 11-орқа варак.

келтириш мутасаддиларнинг эмас, балки маҳаллий аҳолининг қаршилиги билан ортга сурилаётганлиги сабаб қилиб кўрсатилган⁴⁵. Яна бир мақолада эса трамвай афзаллиги ҳақида сўз юритилиб, шу билан бирга аҳолини ундан тартибли фойдаланишга чақирилган⁴⁶.

1914 йилда Пушкин йўналиши авлиё Сергей черковидан Салор кўпригига қадар, Москва йўналиши эса Княжеский кўрғонидан Бешёғоч дарвозасигача, 1915 йилнинг бошида эса Чорсугача, 1915 йилнинг 13 декабрида эса Кўкалдошдан Эски Жўва орқали Тахтапул дарвозасига қадар бўлган бешинчи электрлаштирилган трамвай йўналишлари очилди. 1916 йилга келиб “Тошкент трамвайи” жамияти шаҳарда 50 та моторли, 25 та юк ва 2 та хизмат кўрсатиш вагонини ишлатишни йўлга қўйган. Айнан шу йилда жамият шаҳар электр станцияларининг истеъмолчиларга етказиб берувчи энергия миқдори жиҳатидан (1450 минг кВт) етакчи ўринни эгаллаган.

1918 йилнинг 10 сентябридан шаҳар дизель станциясида ёқилги етишмаслиги ва кўплаб вагонларнинг носозлиги, ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Бельгиядан келган мутахассисларнинг ўз ватанларига кетиб қолиши туфайли трамвай қатнови тўхтаган. Кўп ўтмай, ўша йилнинг 10 декабрида Тошкент трамвайи Туркистон МИҚ томонидан национализация қилиниб, 1920 йилга келгандагина шаҳарда номунтазам трамвай ҳаракати қайта тикланди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Совет ҳокимияти даврида Туркистон ўлкасида электрлаштириш жараёни (1918–1924 йиллар)”** деб номланиб, унда Биринчи жаҳон урушидан сўнг ўлкада электрлаштириш ҳолати, ГОЭЛРО режаси ҳамда уни ўлкада амалга оширилиши, соҳада техник кадрлар тайёрлаш ишлари ва муаммолари кўриб чиқилган.

